БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 252 (17.534). • 1 ноябрь 1979 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ! ВАТАН БИЗДАН ПАХТА ТЕРИМИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТИШИМИЗНИ КУТМОҚДА. ВАЗИЯТ БЕНИҲОЯ УЮШҚОҚЛИКНИ, ЖАМИ КУЧИМИЗНИ ИШГА СОЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА. БИНОБАРИН, ҚЎЛИДАН ИШ КЕЛАДИГАН, ЭТАК ТУТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ҲАР БИР КИШИ БУГУН «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМЧИЛАРИ САФИДА ТУРИШИ КЕРАК. ҲАР БИР КИШИНИНГ БУРЧИ, ВИЖДОНИ, ОР-НОМУСИ УНИНГ УМУМХАЛҚ ИШИДАН— БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛИ МЎЛ ҲОСИЛИ УЧУН БОШЛАНГАН «ЖАНГ»ДАН ЧЕТДА ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ. ЗЎР УНУМ БИЛАН ИШЛАЙЛИК!

# ПАХТАЗОР ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ!

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

### БАРЧА КОММУНИСТЛАР ВА КОМСОМОЛЛАРГА, КОЛХОЗЧИЛАРГА, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ, РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

# М У Р О Ж А А Т И

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Бутун совет халқи билан бирга республика меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди қарорларини ғайрат-шижоат ва юксак сиёсий онглилик билан амалга оширмоқдалар, бутун кучни беш йилликнинг тўртинчи йили программасини муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари Ленин партиясининг оташин сўзларига амалий иш билан жавоб бериб, Улуғ Октябрнинг 62 йиллигини ва В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинлари самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашнинг янги-янги резервларини сабот билан қидириб топмоқдалар ва ишлаб чиқаришга хизмат қилдирмоқдалар. Республика саноати ўн ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Капитал қурилиш самарадорлиги ва сифати ошди. Халқ фаровонлиги муттасил яхшиланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларидаги қоидалар ҳамда хулосаларга амал қилиб, дон, мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, қоракўл тери, пилла етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Гўшт, сут, тухум тайёрлаш илдам суръатлар билан давом этмоқда. Деҳқонларнинг меҳр-муҳаббати, маҳорати ва фидокорлиги эвазига саховатли, кўркам диёримизда пишиб етилган маҳсулотлар ҳамма жойларда омборларга мўл-кўл ғамлаб олинмоқда.

Шу кунларда ажойиб пахтакорларимиз зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Улар Ўзбекистоннинг мўл пахта хирмони учун ҳал қилувчи жангга кирдилар. Уларнинг олтин қўллари билан етиштирилган «оқ олтин» бутун совет халқининг шон-шуҳрати ва ифтихоридир. Пахта ўз аҳамиятига кўра ғалла, металл, нефть билан бир қаторда туради. Ватанимизнинг қардош республикалари, бузилмас социалистик ҳамдўстликнинг барча мамлакатларидаги корхоналар пахтага мунтазир. Пахта етиштиришни кўпайтиришни, унинг сифатини яхшилашни Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳамиша ўзларининг юксак ватанпарварлик, интернационал бурчи деб ҳисоблаб келганлар ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош халқлар олдидаги мана шу ватанпарварлик бурчини чуқур англаб, об-ҳаво шароитлари жиҳатидан бениҳоя қийин келган бу йил ҳам Ватанга 5 миллион 700 минг тонна пахта беришга аҳду паймон қилганлар. Кўкламда табиий офат деҳқонларни қарийб 1 миллион гектар ерда икки марта, айрим жойларда эса уч марта қайтадан чигит экишга мажбур этди. Улар юксак уюшқоқлик, сабот-матонат, тажрибаларини, қалб ҳароратларини табиий офатга қарама-қарши қўйиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосил мажбуриятни бажариш учун бемалол етади.

Зўр меҳнат билан етиштирилган мана шу пахтадан катта хирмон уйиш йўлидаги курашнинг ҳар қадамида биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Совет ҳукуматининг, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг жуда катта ёрдами, оталарча меҳрибонлигини доимо сезиб турибмиз. Ўзаро ёрдам, жипслик, ривожланган социализм жамиятининг буюк ғоявий етуклиги, халқларнинг ленинча дўстлиги ғояларига садоқат туфайли мана шу қийинчиликлар муваффақиятли бартараф этилиб, ғўзанинг ривожи жадаллаштирилди.

Бугунги кунгача мамлакат 4,5 миллион тоннага яқин сифатли пахта олди. Терим даврида пахта тайёрлаш рекорд суръатлар билан олиб борилди. Октябрь ойининг дастлабки ўн кунлигидагина тайёрлов пунктларига 1 миллион 160 минг тонна, иккинчи ўн кунлигида 1 миллион 300 минг тонна ва учинчи ўн кунлигида 1 миллион 70 минг тонна пахта топширилди. Шонли механизаторларимиз — дала гвардиячиларимиз яна меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатдилар. Мавсум бошидан бери улар машиналар бункеридан салкам 2,5 миллион тонна пахта ағдардилар.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари умумдавлат манфаатларини чуқур англаш намуналарини кўрсатиб, ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалик планлари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Бухоро области планни бажарай деб қолди. Қорақалпоғистон АССР 380 минг тоннадан кўпроқ, Бухоро области 535 минг тоннага яқин «оқ олтин» топширди. Қашқадарё, Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг деҳқонлари ҳам эзгу мақсадга яқинлашиб келмоқдалар.

Баҳористон, Муборак, Ромитон, Пешку, Ильич, Нукус, Оқолтин, Хўжайли, Қораўзак, Ғалаба, Шуманай, Бўка, Чимбой, Қамаши, Элликқалъа, Тўрткўл, Қўнғирот, Ғиждувон, Олот районларининг пахтакорлари коммунистчасига аъло меҳнат қилдилар. Улар пахта тайёрлаш планларини қисқа муддатларда ўринлатиб қўйиб, эндиликда юксак мажбуриятларни бажариш йўлидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Аммо ғалабага эришиш йўли кун сайин тобора қийинлашаверади. Кўкламги об-ҳавонинг паст келиши, чигит кўп марталаб экилиши ва экин кампанияси жуда кечикиб тугалланиши, ёзги самарали ҳароратнинг етишмаслиги — мана шуларнинг ҳаммаси бу йилги ҳосилга таъсир қилмай қола олмади: мўл ҳосил етиштирилган бўлса ҳам, аммо у кечроқ пишиб етилди. Оммавий теримнинг бошланиши қарийб бир ой кечикди. Энди пахтани териб олиш учун қулай кунлар унчалик кўп қолмади.

Ҳозир «оқ олтин» териминииг долзарб палласи бошланди. Сифатли пахтанинг бешинчи миллион тоннаси териб топширилмоқда. Аммо неча марталаб бўлганидек, яна об-ҳаво инжиқликлари ўз зарбини урмоқда. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтани териб оламиз, дейди халқимиз. Пахтазорда аҳиллик билан қилинадиган зарбдор меҳнатгина ҳосилни нобуд бўлишдан сақлаб қола олади. Ҳамма ва ҳар бир кишининг жонбозлик билан қиладиган меҳнати табиий офатларга қарши курашдаги энг яхши қуролдир.

Пахта тайёрлаш суръатларини ошириш, терим палласининг ҳар куни ва ҳар соатидан имкони борича унумли фойдаланиш — ҳозирги шароитдаги энг муҳим вазифадир. Шундай пайтда сусткашлик қилиш ярамайди: бу йил табиат энг асосий бойлигимизни йиғиштириб олиш учун ҳаддан ташқари оз муҳлат берди. Ёғингарчилик қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради, бой берилган бирон кун ёки соатнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, ҳар қандай имиллаш ҳосилга ўнгарилмас зарба беради, неча минглаб кишиларнинг қаҳрамонона куч-ғайратларини йўққа чиқаради.

Ҳозир бир қанча область ва районларда пахта тайёрлаш суръатлари кишини жуда ташвишга солиб турибди. Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган областларида терим ишлари анча орқада қолмоқда. Булар— кўп «оқ олтин» етиштирувчи областлардир. Бинобарин, улар план ва социалистик мажбуриятларни уддалаш учун кўпроқ қатъият, сабот кўрсатишлари, техникадан ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, барча мавжуд резервларни ишга солиш маҳоратини намойиш қилишлари зарур.

Ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг пахта ҳосили учун «жанг»нинг энг масъулиятли, энг ҳал қилувчи пайтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча коммунистлар ва комсомолларга, колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларига, республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаат этиб, шу қадар зўр меҳнат билан етиштирилган ҳосилни териб олишда ғоят актив ва бевосита шахсан қатнашишга, пахтазорлардаги меҳнат ғайратини ҳар томонлама кучайтиришга чақирадилар. Бутун ҳосилни чаноқларда битта ҳам қолдирмай жуда қисқа муддатларда териб олиш, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир район ва область ўзи қабул қилган мажбуриятини бажаришини таъминлаш, республика «оқ олтин» етиштириш ва тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисида СССР Олий Совети сессияси очиладиган кун — 28 ноябргача рапорт бериши учун ҳамма чораларни кўриш энг муҳим бурчимиздир.

Бунинг йўли битта, у ҳам бўлса — республикада яшовчи ҳар бир киши ўзини шахсан 1979 йилги пахта ҳосили учун «жанг»нинг қатнашчиси, деб билиши ва қалб амри билан бу «жанг»даги ўз ўрнини белгилаб олиши, жон-тани билан ўзини пахтакор, деб ҳис этиши керак. Бу — ҳар биримизнинг юксак гражданлик бурчимиздир. Бизнинг диёримиздаги колхозчи ва ишчи, инженер ва ўқитувчи, ёзувчи ва олим, мактаб ўқувчиси ва уй бекаси, хизматчи ва студент — пахтакордир. Республика меҳнаткашлари Ўроқ билан Болға бузилмас иттифоқи йилномасига кўпдан-кўп ёрқин саҳифалар битганлар, ҳозир унинг саҳифалари янги зафарлар, янги номлар ва қаҳрамонлар ёзилишини кутиб турибди. Шу масъулиятли кунларда ҳар бир киши далага чиқсин.

**Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари!** Сизларга мурожаат этамиз. Сизларнинг мислсиз меҳнатингиз туфайли аъло ҳосил етиштирилган. Ана шу чинакам баҳодирона ҳосилнинг биронта чаноғи нобуд бўлишига йўл қўймангиз. Пахта теримида бутун кучни сарфлаб меҳнат қилингиз, ҳар бир дақиқанинг қадрига етингиз, кўпминг килограммчилар сафларини кенгайтирингиз. Юксак меҳнат унумдорлиги учун, мавсум давомида камида 10—12 тонна пахта териш учун курашингиз. Агар ҳар бир теримчи кунлик иш нормасига лоақал 5 килограмм қўшимча пахта терса, мана шунинг ўзи республика пахта хирмонига кун сайин камида 12—15 минг тонна ортиқча пахта қўшган бўлади.

**Шавкатли дала гвардиячилари, қишлоқ механизаторлари!** Ватан сизларнинг қўлингизга ажойиб техникани топширган, халқ эса сизларга ва касбингизга зўр меҳр-муҳаббат билан қараб, сизларни баҳодирлар, деб атайди. Бу йилги шароит сизлардан алоҳида масъулият талаб қилади. Ҳамма пахта териш машиналари икки сменада ишлатилиши, бутун терим техникаси комплекси оператив равишда ишга солиниши зарур. Дала гвардиячилари деган фахрли номни илҳомбахш ишлар билан, юксак унумдорлик билан тасдиқлангиз. Ҳар бир бригада ва хўжалик, ҳар бир район машина терими юзасидан олинган мажбуриятларини бажариши лозим.

**Колхоз ва совхозларнинг, бўлим ва бригадаларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари!** Комплекс звенолар ва терим-транспорт отрядларининг ишини такомиллаштирингиз, пахта теримида ипатовоmembers системасини кенг жорий этингиз, кўпминг килограммчилар ҳаракатини амалий иш билан қўллаб-қувватлангиз. Техника ва теримчиларнинг юксак унум билан ишлашини таъминлангиз, илғорларни маънавий ва моддий рағбатлантириш форма ҳамда методларини моҳирона бирга қўшиб олиб борингиз, энг яхшиларнинг ютуқларини оператив ва кенг жорий этингиз, бу ютуқлар амалда «оқ олтин» ҳосили теримининг маҳорат мактаби бўлиб қолсин. Шаҳарликларнинг ёрдамидан самарали фойдаланингиз, уларнинг теримда зарбдор ишлаши учун яхши маданий-маиший шароитларни яратиб берингиз.

**Шаҳарларнинг ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчи ёшлар!** Бугун биз ҳаммамиз —пахтакормиз. Сизлар ҳам яхши ватанпарварлик анъанасига содиқ бўлиб, терим кампаниясини тезроқ тугаллаш соҳасида деҳқонларнинг меҳнатини енгиллаштиришингизга шак-шубҳа йўқ. Қийин дамларда сизлар ҳамиша қишлоқликларга ёрдамга боргансизлар. Бугун ҳам ана шундай пайт келди, пахтакорларнинг содиқ ва ишончли дўстлари бўлган сизларга далалар муштоқ бўлиб турибди.

**Коммунистлар ва комсомоллар!** Ҳамма учун намуна бўлиш, олдинда, энг қийин участкаларда намуна бўлиш, оммани эргаштириб бориш бизнинг фахрли бурчимиздир. Қўл теримида ҳам, пахта териш машиналарида ҳам, пахтани ташиш ва қабул қилиб олишда ҳам, партия, совет ва хўжалик раҳбарининг пахта конвейерини ташкил этишдек юксак лавозимида ҳам уюшқоқлик, фидокорлик намуналарини кўрсатиш — бизнинг бурчимиздир. Пахта терувчи ҳамма кишиларни зарбдор ишга сарфарбар этиш, «оқ олтин» териминииг ҳамма участкаларида шахсан намуна кўрсатиш—ор-номус ишимиздир.

**Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари!** Ҳосил теримида ташкилотчилик ва сиёсий иш даражасини оширингиз, социалистик мусобақанинг кенг ошкоралиги ва таъсирчанлигига эришингиз. Энг яхши пировард натижаларни, энг юксак унумдорликни таъминлаш соҳасидаги идеология ишининг форма ва методларини такомиллаштирингиз — КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори биздан ана шундай қилишни талаб этади. Механизаторларни, теримчиларни, далада ишлаётган барча кишиларни ғамхўрлик ва диққат-эътибор билан қуршаб олингиз, уларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши учун энг қулай шароитларни яратиб берингиз.

**Пахта тозалаш саноатининг ходимлари!** Пахтани қабул қилиш, қуритиш, тозалаш, асраш ва қайта ишлашни ҳар томонлама яхшилангиз, қуритиш-тозалаш цехларининг кечаю кундуз ишлашини таъминлангиз. Фақат аъло сифатли тола чиқишига эришингиз: Ўзбекистон далаларида етиштирилган пахтанинг толаси фақат аъло сифатли бўлиши мумкин ва лозим.

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз — пахтакормиз! Ватан биздан пахта теримида жасорат кўрсатишимизни кутмоқда. Вазият бениҳоя уюшқоқликни, жами кучимизни ишга солишни талаб қилмоқда. Бинобарин, қўлидан иш келадиган, этак тутишга қодир бўлган ҳар бир киши бугун «оқ олтин» теримчилари сафида туриши керак. Ҳар бир кишининг бурчи, виждони, ор-номуси унинг умумхалқ ишидан — беш йилликнинг ҳал қилувчи йили мўл ҳосили учун бошланган «жанг»дан четда қолишига йўл қўймайди. Зўр унум билан ишлайлик!

Бутун куч ҳосилни сақлаб қолишга сарфлансин!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча меҳнаткашлари Ватанимиз пахтачилиги тарихидаги энг қийин бўлган бу йилги пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, интернационал бурчни бажаришда жасорат, шавкат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатадилар, Ватанга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар. Бу — бизнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига, Ленин партиясининг навбатдаги XXVI съездига энг яхши тортиғимиз бўлади.

Ҳамма пахта теримига!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

